



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th April, 2026

Website: <https://econferencia.com>

МАСТИТ КАСАЛЛИГИ ҚЎЗГАТУВЧИЛАРИНИ АНТИБИОТИКЛАРГА СЕЗУВЧАНЛИГИ ВА ДАВОЛАШ

Abdurasulov Shavkat Abdurasul og‘li ¹.,

Amirov Abdumumin Ikromovich ²

1. Toshkent davlat agrar universiteti “Veterinariya meditsinasi” kafedrasida v.f.d., dotsent, University str., 2, Tashkent province, 100140 Uzbekistan1.

Email: sh_abdurasulov@mail.ru

2. Ветеринария медицинаси kafedrasida dotsenti, University str., 2, Tashkent province, 100140 Uzbekistan1. Email: abdumuminamirov@gmail.com

Аннотация

Мастисан препаратининг серозли, катарал, фибринозли, йирингли ва субклиник маститларни умумий даволаш самарадорлиги ўртача 80% ни ташкил этиши аниқланди. Мастисепт препарати серозли, катарал, фибринозли, йирингли ва субклиник маститларни умумий даволаш самарадорлиги ўртача 85% ташкил этиши ҳамда 14 % сигирларда сут маҳсулдорлигини тўла тикланмаслиги аниқланди.

Калит сўзлар. Қорамол, инфекциян мастит, штамм, антибиотиклар, касаллик, фиброз, стафилококклар, стрептококклар, энтерококклар, эшерихиялар, протей, псевдомонадаларнинг пенициллин, стрептомицин, сульфадiazин, левомецетин, тетрациклин, энрофлоксацин, канамицин, мономицин, полимиксин, эритромицин, олеандомицин, тилозин, патоген, катарал, субклиник, йирингли мастит.



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th April, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Кириш

Мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда чорвачилик соҳасини интенсив ривожлантириш юқори маҳсулдор сигирлар бош сонини кўпайтириш, улардан фойдаланиш даврини ошириш ва экологик соф ва тоза сут ва сут маҳсулотларни етиштириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Юқори маҳсулдор сигирлар орасида инфекциян мастит билан касалланиш ўртача 22-60% ни ташкил этади натижада сигирлар сут маҳсулдорлиги ва сут сифатининг пасайиши, улардан туғилган бузоқларнинг ҳар хил касалликлар билан касалланиш даражасининг ортиши, шунингдек бошқа ветеринария санитария тадбирлари эвазига хўжаликларнинг қўшимча иқтисодий харажатларнинг ортишига сабаб бўлмоқда.

Мавзунинг долзарблиги

Қорамолларда шартли патоген микроорганизмлар: стафилококклар, стрептококклар, эшерихия, псевдомонода, пастереллалар кўзғатадиган мастит ва субклиник маститларни ўз вақтида диагностика қилиш, уни самарали даволаш ва олдини олиш масалалари ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан ҳисобланади. [3;5,9]

Дунёнинг аксарият давлатларида қорамолчилик амалиётида маститлар билан зарарланиш қорамолчилик хўжаликлари шароитида қўл билан соғиш жараёнида 20-25%, машина билан соғишда эса 35-40% сут бези касаллик билан касалланади. [2;4]

Сутдан чиқарилган сигирларда 17,5%, сухостой даврида 20-23,7% ча учрайди. Бу касалликлар туфайли олинadиган умумий сут миқдори 15-20 % пасайиб, унинг ёғлилик даражаси эса 0,8-1% ча камаяди. АҚШда



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th April, 2026

Website: <https://econferencia.com>

сигирлар орасидаги иқтисодий зарарнинг 70% и мастит касалликларига тўғри келади. Юқори маҳсулдор ҳайвонларни хўжаликда фойдаланиш муддати 6-8 ёшгача қисқаради. Сутнинг санитария сифати пасаяди, яъни бундай сутдан тайёрланадиган сут маҳсулотлари сифатсиз бўлади. Сигирлар қисир қолади. Ёш ҳайвонларда диспепсия (ич кетиши) ва ёш болалар истеъмол қилганда қизил кўйлак (скарлатина) касаллигини келтириб чиқаради. Сигирларда сут маҳсулдорликнинг камайиши, уларнинг мажбурий сўйилиши ёки нобуд бўлиши ва ветеринария харажатларининг ортиши ҳисобидан келиб чиқади.

Аксарият холларда ноқулай экологик омиллар чорва моллари организмнинг резистентлигига салбий таъсир этиши билан бирга маститларни кўзғатувчиларнинг тарқалишига имкон яратади. Қорамолларда инфекция мастит касаллигининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг самарали услуб ва воситалари ҳолати ва касалликларни тарқалиш даражасини аниқлаш, эрта ташхис қўйиш, замонавий даволаш ва қарши курашнинг тизимли чора-тадбирларини ҳудудларнинг экологик ҳолатини ҳамда ҳайвонларни сақлашдаги зоогигиеник талабларни эътиборга олган ҳолда олиб бориш долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. [1,6,7,8]

Республикамизнинг барча чорвачилик хўжаликларида инфекция мастит касаллиги кенг тарқалган бўлиб, илмий адабиётлардан маълум бўлишича Республиканинг барча ҳудудларида ўтган асрнинг 80-90-йилларида ушбу касалликнинг кечиши ва уларга ташхис қўйиш, даволаш, дори воситаларининг аҳамияти баъзи бир тадқиқотчилар томонидан ўрганилганлигига қарамасдан, вақт ўтиши ҳамда чорвачиликни юритишда янги тизим келиб чиққан ҳозирги кунда қорамолларнинг юқумли мастит касаллигини эпизоотологик ҳолатини аниқ далил ва кўрсатмалар билан



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th April, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Ўрганиш, касалликни даволаш ва олдиниолиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уни ветеринария амалиётига жорий қилиш бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади. Сигирларнинг инфекцион мастит билан касалланиш даражаси бутун жаҳон мамлакатларидаги 211 миллион бош қорамоллар орасида қарийб 40%, шу жумладан мамлакатимиз қорамолчилиқ хўжаликларида 8% дан 32% гача бўлиши аниқланган. Ушбу касаллик сигирларда сут маҳсулдорлигининг камайишига, сутнинг технологик сифатига салбий таъсир кўрсатиб, кўпинча соғин сигирларнинг сут бези бўлақларининг атрофияси туфайли яроқсиз ҳолга келишига сабабчи бўлади.

Тадқиқот мақсад ва вазифалари

Инфекцион касалликларни ҳар хил антибиотиклар, сульфаниламид ва бошқа дори воситалари билан даволаш ишлари олиб борилади. Аммо ушбу дори препаратларни қўллашдан олдин қўзғатувчиларнинг антибиотикларга ва бошқа антибактериал препаратларга сезувчанлигини аниқлаш талаб этилади. Инфекцион касалликлар қўзғатувчиларининг антибактериал препаратларга сезувчанлини ўрганмасдан даволаш учун фойдаланиш яхши самара бермайди. Шу сабабли илмий-тадқиқотларимиз инфекцион маститларга учраган сигирларни даволашдан олдин, уларнинг қўзғатувчилари: стафилококklar, стрептококklar, энтерококklar, эшерихия, протей ва псевдомонадаларнинг антибактериал препаратларга сезувчанлигини ўргандик. Стафилококklar, стрептококklar, энтерококklar, эшерихия, протей, псевдомонадаларнинг пенициллин, стрептомицин, сульфадиазин, левомецетин, тетрациклин, энрофлоксацин, канамицин, мономицин, полимиксин, эритромицин, олеандомицин, тилозин ҳамда маститга қарши препаратлар: мастисан ва мастицидга



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th April, 2026

Website: <https://econferencia.com>

сезувчанлиги индикатор диск усулида ўрганилди. Синалаётган културани ўсишдан тўхтатиш чегараси ҳудуди 15 мм дан 25 мм гача бўлса, ўрта сезувчан, 25 мм дан юқори бўлса, сезгир эканлигини билдиради, ўсишдан тўхтатиш ҳудудини бўлмаслиги, у ёки бу антибиотикка микроорганизмнинг чидамли эканлигини кўрсатади. Юқорида номлари келтирилган стафилококк, стрептококк, энтерококклар, эшерихиялар, протей ва псевдомонадаларнинг антибактериал препаратларга сезувчанлигини текшириш натижалари

Тадқиқот услуги ва воситалари

Илмий тадқиқот ишлари 2015-2024 йилларда Тошкент вилояти Тошкент тумани “Рохатой наслчилик фермер хўжалиги” Қибрай тумани “Рихсибой чорва барака наслчилик фермер хўжалиги”, Қуйичирчиқ тумани “Сут булоғи сут-товар фермер хўжалиги”, Янгийўл тумани “Юксалиш сут товар фермер хўжалиги” шунингдек ТошДАУ ўқув-тажриба хўжалигида, ветеринария медицинаси кафедраси лабораториясида, Тошкент вилояти ҳудудларида яшовчи аҳоли хонадонларида боқилаётган соғин сигирлардан олинган сут намуналаридан фойдаланилган ҳолда инфекцион (клиник ва субклиник) маститларга текширишлар ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Илмий тадқиқотларда жами 280 бош қорамолларда, 12 бош қуёнда, тажриба ишлари амалга оширилди.

Соғин сигирларни клиник текшириш, елин ва унинг бўлақларини умумий ҳолатини органалептик кузатиш орқали амалга оширилди. Елин терисининг ранги, шакли, сўрғичлар ҳолати, оғриқли реакция, елин консистенцияси, маҳаллий ҳарорати, елин усти лимфа тугунлари ҳолатига эътибор берилди.



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th April, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Сўрғич каналининг тонуси, унинг ўтказувчанлиги, секретнинг тури, бир хиллиги, таркибида ёд масса мавжудлиги аниқланди.

Клиник ва субклиник маститга гумон қилинган сигирдан патоген кўзгатувчини ажратиш учун сут намунасини олишдан олдин елин сўрғичлари 70% ли этил спирт билан тозаланди елиннинг касалланган бўлагидан 2 мл патологик материал ёки 4-5 мл сут стерил эппендорф пробиркаларига соғиб олинди. Намуналар муз солинган термосга жойлаштирилиб патологик материал бактериоскопик ҳамда бактериологик (соф культура ажратиш) текширилди. Патологик (аномал) суддан соф культура ажратиш жараёнида стафилококклар фенолрот қўшилган маннитли ва тузли агар, тухум сариғи қўшилган тузли агар, сутли тузли агар, сахароза қўшилган агар, агар Д ларни ва қонли агарли озиқа муҳитларига; стрептококклар трипан кўки ёки кристалвиолет қўшилган бульон (Шатохин Н.Г.услуги бўйича), лактозали бульон, қон зардоби, неомицин ва бромкрезолпурпур қўшилган бульон (Карташова В.М. услуб и бўйича), шакарли бульон Чесбро-Ивенс ишқорли озиқа муҳитларига; эшерихиялар, псевдомонадалар, протейлар, цитробактериялар, энтеробактериялар эса ГПБ, ГПА, Эндо, Плоскирев озиқа муҳитларига экилди.

Текширилаётган патологик материаллар озиқа муҳитларга экилгач, экмалар 1-3 кун давомида термостатда 37⁰С да инкубация қилинди. Сўнгра экиш натижалари кузатилди, ўсиш хусусияти ва культуранинг бошқа хусусиятлари ўрганилди.



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th April, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Тадқиқот натижалари

Илмий тадқиқотлар 2015-2018 йилларнинг ҳар кварталда 120-125 бош соғин сигирларда димастин, мастидин, маститодиагност ва мастоприм препаратлари ёрдамида диагностик текширишлар ўтказилди.

Тошкент вилоятининг Тошкент, Қибрай, Қуйичирчик, Янгийўл туманларида 2015-2024 давомида 300-450 бош сигирларнинг инфекция клиник ва субклиник маститига текшириш ва касалланганларини даволаш ишлари ўтказиш давомида инфекция мастит кузатилган сутчилик хўжаликларида 125 бош сигирда мастит касаллигининг этиологияси, шу жумладан 25 бош клиник ва 100 бош субклиник маститда ўрганилди. Текширишлар макстомер аппарати ёрдамида ўтказилди. Клиник кўринишдаги мастит 25 бош сигирда ўрганилганда, уларнинг 5 боши (25,00%) фибринозли, 3 боши (11,43%) серозли, 4 боши (20,41%) катарал, 3 боши (11,35%) геморрагик ва 10 боши (40,00%) йирингли маститлардан ташкил топганлиги аниқланди.

Мастит касаллигини бактериологик ўрганиш жараёнида 95 та стафилококк (25 та *Staphylococcus aureus*, 60 та *Staphylococcus epidermidis* ва 16 та *Staphylococcus saprophyticus* штамм) 80 та стрептококк (40 *Streptococcus dysgalactiae*, 23 та *Streptococcus agalactiae* ва 6 та *Streptococcus faecalis*-энтерококклар) штамmlарининг, шунингдек 27 та бошқа тур микроорганизмларнинг (12 та *Pseudomonas aeroginoza*, 2 та *Escherichia coli*, 2 та *Proteus vulgaris*, 5 та *Citrobacteriya* ва 6 та *Enterobacteriya*) биологик ва биокимёвий хусусиятлари ўрганилди.

Мастисан ва мастицид препаратлари пробирка усулида текширилди. Мастит билан касалланган сигирларнинг елинидан ажратиб олинган секретни бактерияларга антибиотиклар шимдирилган индикатор дискларнинг диффузия усулида пенициллин стрептомицин, мономицин,



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th April, 2026

Website: <https://econferencia.com>

тилозин, сулфадиазин, тетрациклин, канамицин, левомецетин, олеондомицин энрофлоксацин, полимиксин, эритромицин антибиотикларига Мастисан ва Мастисепт препаратларига сезувчанлиги йўриқномага асосан текширилди.

Юқорида таъкидланган ҳудудларида яшовчи аҳоли хонадонларидаги инфекциян мастит билан касалланган жами 180 бош сигирлар антибиотиклар жами 100 бош сигирларда мастисан, 80 бош сигирлар мастисепт препаратлари ёрдамида даволанди ва самарадорлиги ўрганилди. Сигирларда сухостой вақтида 214 бош сигирларнинг инфекциян маститдан химоя қилиш учун мастисан ва мастисепт препарати ва антибиотиклардан фойдаланилди(1 -жадвал).

1- жадвал Мастит билан касалланган сигирлар сут намуналаридан ажратилган бактерияларни антибиотикларга, Мастисан ва Мастисепт препаратига сезгирлиги

Микроблар тури	Штам-млар сони	микроорганизмлар сезгирлиги							
		Сезгир		Ўрта сезгир		Ўрта чидамли		Чидамли	
		сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ампицилин (HIMEDIA SD077)									
Стафилококк	120	75	61,53	38	29,85	6	5,02	2	1,6
Стрептококк	89	33	38,35	32	28,90	13	12,10	19	18,09
Энтерококк	35	-	-	-	-	2	5,40	35	93,60
Эшерихия	4	-	-	-	-	1	15,70	5	82,55
Протей	8	-	-	1	10,11	2	21,26	6	64,77
Псевдомонада	30	6	21,42	4	09,88	7	24	12	41,88
Стрептомицин (SD091)									
Стафилококк	120	11	7,85	45	34,60	33	25,33	37	28,89
Стрептококк	89	56	54,47	36	33,45	75	68,88	2	1,08
Энтерококк	35	-	-	-	-	3	9,01	34	89,08
Эшерихия	4	-	-	-	-	2	31,44	4	64,86
Протей	8	-	-	-	-	3	32,25	6	63,78
Псевдомонада	30	-	-	6	20,42	7	23	15	52,48
Сульфадиазин (SD092)									
Стафилококк	120	-	-	-	-	2	1,44	124	96,55
Стрептококк	89	-	-	-	-	5	4,89	94	92,99



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th April, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Энтерококк	35	-	-	-	-	-	-	37	98,95
Эшерихия	4	-	-	-	-	-	-	6	97,99
Протей	8	-	-	-	-	2	21,04	7	76,44
Псевдомонада	30	-	-	-	-	-	-	28	97,65
Левомецетин (SD006)									
Стафилококк	120	74	56,44	29	22,44	20	13,56	3	1,99
Стрептококк	89	11	11,11	31	31,31	21	21,21	36	35,56
Энтерококк	35	-	-	-	-	11	29,72	26	68,77
Эшерихия	4	6	98,76	-	-	-	-	-	-
Протей	8	7	75,88	2	21,82	-	-	-	-
Псевдомонада	30	9	29,77	8	26,99	5	16,85	6	20,89
Тетрациклин									
Стафилококк	120	-	-	-	-	10	7,93	116	92,06
Стрептококк	89	13	12,56	31	30,11	43	42,22	12	11,12
Энтерококк	35	-	-	-	-	5	11,99	32	85,44
Эшерихия	4	6	99	-	-	-	-	-	-
Протей	8	4	43,34	3	32,35	1	10,22	1	10,31
Псевдомонада	30	-	-	-	-	2	6,77	26	92,85
Энрофлоксацин (SD150)									
Стафилококк	120	105	83,12	10	7,13	6	3,99	4	3,01
Стрептококк	89	82	80,89	8	6,99	7	7,01	2	1,99
Энтерококк	35	28	74,66	5	12,55	3	8,01	1	2,10
Эшерихия	4	6	100	-	-	-	-	-	-
Протей	8	7	76,67	1	10,01	1	10,71	-	-
Псевдомонада	30	23	81,44	2	6,44	1	3,01	2	6,14
Канамидин									
Стафилококк	120	88	68,11	25	18,01	7	4,90	6	4,06
Стрептококк	89	67	66,66	20	19,20	8	7,78	5	4,99
Энтерококк	35	32	84,48	4	10,01	-	-	1	1,70
Эшерихия	4	4	65,67	2	32,22	-	-	-	-
Протей	8	6	64,65	3	32,93	-	-	-	-
Псевдомонада	30	10	33,71	6	20,42	8	27,57	4	13,88
Мономицин									
Стафилококк	120	115	91,66	4	2,97	4	2,97	2	1,18
Стрептококк	89	95	95,95	3	2,73	-	-	1	1,01
Энтерококк	35	34	90,89	2	5,40	1	2,50	-	-
Эшерихия	4	4	65,65	2	33,03	-	-	-	-
Протей	8	7	76,99	1	10,09	1	10,08	-	-
Псевдомонада	30	23	79,89	3	09,96	-	-	2	6,77
Полимиксин									
Стафилококк	120	-	-	2	1,58	3	2,22	121	95,47



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th April, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Стрептококк	89	45	43,52	32	31,44	19	17,87	3	3,03
Энтерококк	35	-	-	2	5,40	3	8,10	32	84,57
Эшерихия	4	-	-	-	-	-	-	6	99,89
Протей	8	-	-	-	-	-	-	9	98,33
Псевдомонада	30	-	-	1	3,57	5	16,85	22	77,64
Эритромицин (SD013)									
Стафилококк	120	119	92,11	6	4,76	-	-	1	0,79
Стрептококк	89	95	91,44	3	3,03	-	-	1	1,01
Энтерококк	35	32	86,48	3	8,10	-	-	2	5,40
Эшерихия	4	-	-	-	-	2	31,24	4	63,67
Протей	8	-	-	2	21,28	2	21,26	5	54,48
Псевдомонада	30	12	41,85	8	27,67	-	-	8	27,67
Олеандомицин									
Стафилококк	120	11	7,73	9	7,14	5	3,96	101	79,45
Стрептококк	89	56	53,64	8	8,08	15	14,15	20	19,85
Энтерококк	35	-	-	-	-	-	-	37	95,79
Эшерихия	4	-	-	-	-	-	-	6	95,79
Протей	8	-	-	-	-	-	-	9	95,82
Псевдомонада	30	1	3,57	3	10,71	-	-	24	83,93
Тилозин (SD013)									
Стафилококк	120	2	1,58	11	8,73	10	7,93	103	80,74
Стрептококк	89	28	28,28	17	17,17	9	9,09	46	44,46
Энтерококк	35	-	-	-	-	-	-	37	95,00
Эшерихия	4	-	-	-	-	-	-	6	95,03
Протей	8	-	-	-	-	-	-	9	95,06
Псевдомонада	30	2	7,14	-	-	4	13,28	21	73,00
Мастисан									
Стафилококк	120	118	92,65	8	6,34	-	-	-	-
Стрептококк	89	81	80,89	18	18,18	-	-	-	-
Энтерококк	35	31	82,78	6	16,21	-	-	-	-
Эшерихия	4	4	64,67	2	32,33	-	-	-	-
Протей	8	5	53,56	4	41,44	-	-	-	-
Псевдомонада	30	26	91,85	2	7,14	-	-	-	-
Мастисепт									
Стафилококк	120	124	92,51	2	10,68	-	-	-	-
Стрептококк	89	81	83,87	18	17,18	-	-	-	-
Энтерококк	35	32	85,74	5	12,51	-	-	-	-
Эшерихия	4	4	64,69	2	31,43	-	-	-	-
Протей	8	6	61,67	3	31,37	-	-	-	-
Псевдомонада	30	26	89,83	2	7,14	-	-	-	-



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th April, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Илмий тадқиқот натижалари сигирларда инфекцияцион маститнинг кўзгатувчилари ҳисобланган стафилококк ва стрептококкларнинг антибиотикларга, мастисан ва мастисепт препаратларига сезувчанлиги турлича эканлигини антибиотикларга 90% сезгир ва ўртача сезгирликка эга бўлган, бир пайтда ампицилинга, стрептомицинга, сульфадиазинга, левомецетинга, тетрациклинга, олеандомицинга, тилозинга сезгирлиги паст эканлиги аниқланди.

Инфекцион мастит билан касалланган сигирларни мастисан препарати билан даволаш натижалари

Инфекцион мастит билан касалланган сигирларни даволаш ва профилактика қилиш учун мастисан препарати юқорида қайд этилган қорамолчилик хўжаликларида синаб кўрилди. Мастисан билан 170 бош стафилококкли ва стрептококкли маститни даволаш ҳамда 152 бош сигирларни туққандан кейинги пайдо бўлиши мумкин бўлган маститдан профилактика қилиш ишлари бажарилди.

Мастисан препарати 5-10 мл дозада 7-8 кун давомида сут катетр ёрдамида елин сўрғичига ҳар 24-36 соатлик оралиқ билан юбориб даволанди.

2- жадвал Мастисан препарати билан даволаш натижалари

№	Мастит турлари	Даволанган хайвонлар (бош)	Мастисан билан даволаш натижалари		
			хайвонлар соғайиши (%)		
			Махсулдорлик тикланиши (соғайди) (%)	Махсулдорлик йўқотилиши (%)	
			10%	20%	
1	Серозли	35	32/80,00	3/7,50	5/12,5
2	Катарал	13	13/75,45	3/17,64	1/6,88
3	Фибринли	20	15/65,21	4/17,39	4/17,39
4	Йирингли	12	9/50,00	4/22,22	5/27,77
5	Субклиник	90	86/90,50	5/5,31	3/3,19
	Жами	170	155/80,72	19/9,90	18/9,38



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th April, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Ўтказилган илмий тадқиқотларда серозли мастит билан касалланган сигирларда мастисан препаратининг тўлиқ даволаш самарадорлиги 80,00 % ни, катарал маститда 75,45%, йирингли маститда 50,00% ни ташкил этди. Бу кўрсаткич субклиник маститда эса 90,50% ни кўрсатди. Мастисан препаратининг тўлиқ даволаш самарадорлиги субклиник маститда энг юқори ва энг паст кўрсаткич йирингли маститда эканлиги аниқланди.

Даволаш жараёнида мастисан препарати билан даволанган серозли мастит сигирларнинг йигирма фоизи 10 % дан 20% гача ҳолатда елин сўрғичларининг патологик ўзгаришлари туфайли сут маҳсулдорлигининг тўла тикланмаслиги билан соғайиши кузатилди. Бунда 50% сигирларда сут маҳсулдорликнинг тўлиқ тикланиши аниқланган бўлса, қолган 50 фоиз сигирларда сут маҳсулдорлигининг тўла тикланмаслиги аниқланди.

Мастисан препаратининг серозли, катарал, фибринозли, йирингли ва субклиник маститларни умумий даволаш самарадорлиги ўртача 80% ни ташкил этиши аниқланди.

Инфекцион мастит билан касалланган сигирларда мастисепт препарати билан даволаш натижалари

Инфекцион мастит билан касалланган сигирларни даволаш ва профилактика қилиш учун мастисепт препарати юқорида қайд этилган қорамолчилик хўжаликларида синаб кўрилди (3- жадвал).

Инфекцион мастит билан касалланган сигирларни мастисепт препарати билан даволаш натижалари



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th April, 2026

Website: <https://econferencia.com>

3- жадвал

№	Мастит турлари	Даволанган сигирлар (бош)	Мастисепт билан даволаш		
			Ҳайвонлар сони соғайиш даражаси (%)		
			маҳсулдорлик тикланиши	маҳсулдорлик йўқотилиши	
			10%	20%	
1	Серозли	21	17/80,80	2/9,40	2/9,52
2	Катарал	10	8/80,10	1/10,00	1/10,00
3	Фибринли	9	6/65,66	2/21,20	1/11,9
4	Йирингли	6	4/65,60	1/14,60	1/14,60
5	Субклиник	44	42/95,45	1/2,27	1/2,27
	Жами	90	77/85,55	7/7,72	6/6,67

Ўтказилган тадқиқотлар ва кузатувлар натижалари куйидагича :

Хулоса

Серозли мастит билан касалланган сигирларда мастисепт препаратининг тўлиқ даволаш самарадорлиги 80 % ни, катарал маститда 80,10%, фибринозли маститда 65,66 % йирингли маститда ҳам 65,60 % ни ташкил этди. Бу кўрсаткич субклиник маститда қарийб 85,55 % ни кўрсатди. Демак, мастисептнинг тўлиқ даволаш самарадорлиги субклиник маститда энг юқори бўлиб, энг паст кўрсаткич йирингли ва фибринозли маститларда (65,60 %) эканлиги аниқланди.

Мастисепт препарати билан даволанган серозли мастит сигирларнинг ўн тўққиз фоизи 10 % дан 20% гача ҳолатда елин сўрғичларининг патологик ўзгаришлари туфайли сут маҳсулдорлигининг тўла тикланмаслиги билан соғайди, йирингли маститда эса 65,60 % сигирларда сут маҳсулдорликнинг тўлиқ тикланиши аниқланган бир пайтда, қолган 33% фоиз сигирларда сут маҳсулдорлигининг тўла тикланмаслиги кузатилди.



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th April, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Мастисепт препаратининг серозли, катарал, фибринозли, йирингли ва субклиник маститларни умумий даволаш самарадорлиги ўртача 85,55% ташкил этиши ҳамда 14% сизирларда сут маҳсулдорлигини тўла тикланмаслиги аниқланди.

Фойдалган адабиётлар рўйхати

1. Шатохин Н.Г. Инфекционные маститы коров, овец и коз в Узбекистане и меры борьбы с ними\ автореферат, докт.вет.наук.1971 г. Москва, 3-40.с.
2. Карташова О.Л. Диагностика скрытых форм мастита у коров / О.Л. Карташова, С.Б. Киргизова, Е.Ю. Исайкина // Ветеринария. - 2004. - № 10. - С. 32-35.
3. Семиволос А.М. Сравнительная эффективность лечения различных форм маститов у коров/А.М. Семиволос, И. Идельбаев, В.А. Агольцов//Вавиловские чтения -2006: Материалы конференции, посвященной 119-й годовщине со дня рождения академика Н.И. Вавилова, 4-8 декабря 2006. Секция ветеринарии и биотехнологии. - Саратов, 2006. - С.89-92.
4. Бочкарев В.Н. Лечение маститов коров / В.Н. Бочкарев, М. Славецкая, О. Панферова // Ветеринария сельскохозяйственных животных. - 2010. - № 10. -С. 31-32.
- 5.Барышев В.А. Сравнительная оценка лечебной эффективности препаратов «Мастисан А» и «Мастифит» при субклиническом мастите коров / В.А. Барышев // Международный вестник ветеринарии. - 2016. - № 2. - С. -34-38.
- 6.Кузибаева У.И. Улучшение диагностики и лечения инфекционного мастита крупного рогатого скота: Автореферат дис. канд. вет. наук. - Ташкент, 2005,- 26 с.



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th April, 2026

Website: <https://econferencia.com>

-
7. Bradley A.J. Aetiology of clinical mastitis in six Somerset dairy herds / A.J. Bradley, M.J. Green // *Veterinary Record*. - 2001. - V. 148. - P. 683-686.
 8. Fox L.K. Teat skin normal flora and colonization with mastitis pathogen inhibitor // *Veter. Microbiol.*, 2002. - V. 17. - N. 4.-P. 357-365.
 9. Bazarov A.Kh.// Rapid test for the determination of aflatoxins in milk. *Theoretical and Applied Veterinary medicine Holland Agriculture*. Volume 8(2),2020 *International Agricultural and Veterinary University*. November.2020. pages 20-25.